

## МИЛЛИЙ-МАЊНАВИЙ ТАРБИЯ, УНИНГ ТИЗИМИ ВА МОҲИЯТИ

**Акрамова Дилдора Эргашевна**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси  
кафедраси ўқитувчиси

**Ахророва Севинч Жасур қизи**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим йўналиши талабаси

**Аннотация:** миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Тарбия тизимида энг илгор, замонавий, халқимизга хос миллий-мањнавий ва ахлоқий қадриятларга ҳамоҳанг усулларни топиш ва амалиётга жорий этиш ғоят мухим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** Тарбия, таълим тизими, педагог, педагогик фаолият, фаолият.

## NATIONAL-SPIRITUAL EDUCATION, ITS SYSTEM AND ESSENCE

**Abstract:** national well-being has always been related to the education of the young generation, new personnel who have deep knowledge of modern knowledge, and their high qualifications. It is extremely important to find and implement the most advanced, modern, national-spiritual and moral values of our people in the educational system.

**Key words:** Education, educational system, pedagogue, pedagogical activity, activity.

Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълимтарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Тарбия тизимида энг илфор, замонавий, халқимизга хос миллий-маънавий ва ахлоқий қадриятларга ҳамоҳанг усулларни топиш ва амалиётга жорий этиш, Шарқда қадимдан амалда бўлган принцип – таълим ва тарбияни бир-биридан ажратмаслик ва уларнинг ўзаро мутаносиблигига эришиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ўқувчи-талабаларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – маърифат соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб, бузиш йўлидан эмас, балки тузиш, барпо этиш, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш йўлидан борадиган шахс сифатида тарбиялаш бирламчи вазифага айланган.

Ўзбекистон “миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Янги давр таълим-тарбия тизимиға ўзининг аниқ, қатъий талабларини қўймоқда. Тарбия ва таълимни бир-биридан ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилса одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шунингдек билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, дунёқарashi кенг, қучли тафаккурга эга ва замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар, миллатпарвар ёшлар камол топади. Фақат саводли миллат маърифатли шахсни камол топтириб, олга интилиши ва жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгалаши мумкин.

Миллий тарбия ҳар қандай жамият ва мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳар бир оила, ота-она, энг аввало, бола тимсолида шахсни кўриши, унга тегишли барча хуқуқ ва эркинликларни таъминлаши борасида ўзининг масъул эканлигини доимо ҳис этиб туриши ниҳоятда муҳим.

Миллий тарбияда миллий ғояга, миллий ғурурни юксалтиришга хизмат қиласидиган тимсоллар, рамзларнинг ҳар бири – катта бир ҳаётий дарслик, қучли тарбия воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, буюк аждодлар таваллуд саналарини нишонлаш ҳам маънавий ва тарихий аҳамиятга эга. Бундай

маросимларни ўтказиш орқали ёшлар янги қадриятлар асосида тарбияланадилар, улар қалбига тарихни англаш ва қадрлаш, ўтмишга хурмат билан ёндашиш, уларни асраб-авайлаш, шу халққа мансублиги билан ғуурланиш туйғулари сингдирилади. Биз миллий тарбиялаш жараёнида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Абу Райхон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Юсуф Ҳамадоний, Имоми Аъзам каби жаҳонга машхур алломаларимизнинг таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, панд-насиҳатларга доир ўлmas фикр-мулоҳазаларидан самарали фойдаланишимиз керак.

Умуман олганда, ёшларнинг этник қиёфаси миллатнинг бугунги миллий тарбияси, менталитети, маданиятининг ўзаро диалектик муносабати воситасида шаклланади. Маънавий жиҳатдан яхши тарбия олган шахс ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли равишда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели – маҳаллада ҳалқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифалар бажарилади, кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати билан жамоа ҳамжиҳатлиги мисолида одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

- 1.Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У. Умумий педагогика асослари. Ўкув-услубий қўлланма. – Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.
- 2.Akramova, D. (2022). BO'LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.
3. Akramova, D. (2022). Oliy ta'lif muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.
- 4.Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MEHANIZMLARINI RIVOJLANTIRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOQS jurnali, 26(1), 13-17.